



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqlidir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova.** Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари3
- Shoislom Akmalov.** Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.** “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари19
- Nematulla Nasrullayev.** Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида29
- Muhabbatkhan Agzamova.** “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши41
- Nigora Khakimova.** “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши48
- Bakhodir Daminov.** Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили55
- Bakhodir Pirmukhamedov.** Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабъ ал-аброр” асарининг методологияси65
- Akhmadkhan Alimov.** Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси72
- Abdulaziz Yakhshilikov.** Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари83
- Ikhtiyor Abdurahmonov.** “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи91
- Mamurjon Erkayev.** Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили98
- Nodir Shomirzayev.** Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи107
- Ulugbek Jorayev.** Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили118
- Jasurbek Abduqodirov.** The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan124
- Pirnazar Rajapov.** Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157)130
- Абу Мансур Мотуридий** (тарихий романдан парча)140

Bakhodir B. PIRMUKHAMEDOV,
*Senior teacher if Al-Azhar Department for
 Arabic language and literature,
 International Islamic Academy of Uzbekistan.
 11, A.Kadiri str 100011,
 Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: bohodir.pir@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/8

МАХМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РАБИЪ АЛ-АБРОР” АСАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

METHODOLOGY OF MAHMUD ZAMAKHSHARI'S WORK “RABI’U-L- ABRAR”

МЕТОДОЛОГИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ “РАБИУ-Л- АБРОР”

КИРИШ

Ислом ва дунё тамаддуни ривожига ҳисса қўшган аждодларимизнинг асарлари хали ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шундай аждодларимиздан бири “Жоруллоҳ”, “Устоз ал-араб вал аҷам” ва “Фахру Хоразм” каби улуг номларга сазовар бўлган аллома Махмуд Замахшарийдир. Махмуд Замахшарий жуда ҳам бой илмий меросга эга. У ўзининг сермахсул ҳаёти давомида олтмиш олтига йирик асар яратди. Улар тилшунослик, лугатшунослик, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижоди, фалсафа ислом тарихи, география бошқа фанларга оид асарлардир (Исломов З., 2002).

Аллома мазкур илмлар билан бир қаторда араб илмларининг яна бир муҳим йўналиши бўлмиш (Ал-Махшари) Маърузалар илми йўналишида “Рабиъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор” асарини яратган. Бу асар алломанинг асар мукаддимасида келтирган маълумотига кўра машхур “ал-Кашшоф” асарида кейин, яъни хижрий (528/1134) йили алломанинг Маккадалик даврида ёзилган.

“Рабиъ ал-аброр” асари маъруза илми йўналишида ёзилган асарлар орасида ўзига хос ўринга эга. Бу йўналишда ёзилган асарлар ҳар давр, ҳар жойда ва ҳар ким учун муҳим бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Машхур олим Ибн

Қутайба Диноварий (ваф. 889/672) ўзининг الشعر الشعراء (Шеър ва шоирлар) асарида бу борада қуйидаги фикрларни билдирган (Қутайба, 1982): “لم يقصر الله العلم والشعر والبالغة على زمن دون زمن، ولا خص به قوما دون قوم، بل جعل ذلك مشتركا مقسوما بين عبادته في كل دهر، وجعل كل قديم حديثا في عصره، وكل شرف خارجة في أوله” “Аллоҳ илм, шеър ва балоғатни муаян бир замон билан чегараламади, муаян бир қавм (миллат)га тегишли қилмади, балки уларни ҳар бир замон(аср)даги бандалари орасида умумий қилиб тақсимлади. Ҳар бир эскини бирор бир асрда янги, шарафли ишни эса доим биринчи қилди”.

Маърузалар илми кўпчилик илмий доираларда маълум ва машхур бўлмаганлиги учун унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари билан танишиб чиқас.

АСОСИЙ ҚИСМ

Илмий китоб ва асарларнинг илк кўриниши рисоалар шаклида яратилган. Ёзма араб адабиёти VII асрда вужудга келди; у ўз тараққиёти даврида уч босқични босиб ўтган: биринчиси – илк ўрта асрлар (VII аср ўрталаридан – VIII аср ўрталаригача); иккинчиси – классик давр (VIII–XII аср ўрталари); учинчиси – кеч ўрта асрлар (XIII–XVIII асрлар). Ўрта аср араб адабиёти ривожланган феодал жамияти адабиёти эди. Бирок илк ўрта аср шеърлятида кабилавий шеърый анъаналар хали ҳам жуда кучли эди; насрий асарларда ҳамон анъанавий бадавий нотиклик-риторик хусусият мавжуд эди. VIII асрдан бошлаб ёзма ижод тобора кенг тарқалиб, унда араб тилини ўзлаштирганлар ва исломлашган аҳоли қатлами фаол иштирок этган. Шеърлятнинг барча асосий жанрларининг гуллаган даври келади. Эрон дидактик асарлари таъсирида ахлокий ва кизикарли “адаб” жанри пайдо бўлди. Насрий асар ёзувчилари хабарлар (рисола) ва нафис новеллалар (макомотлар) шаклини ажойиб тарзда ривожлантирадилар (Фильштинский, 1984).

Машхур ёзувчилар яратган турли илмий йўналишда яратилган илк рисоалар сарасига қуйидаги рисоалар киритилган:

Расоил ал-Жохиз (Жохиз рисоалари), Расоил Ибн ал-Амид (Ибн Амид рисоалари), Расоил ас-Соҳиб ибн Аббод (Соҳиб ибн Аббод рисоалари), Расоил Аби Бақр ал-Хоразмий (Абу Бақр Хоразмий рисоалари), Расоил Аби Фазл Бадий аз-Заман ал-Ҳамазоний (Абу Фазл Бадийзамон

Аннотация. Мазкур мақолада муаллиф Замахширийнинг турли илмларга оид мавзуларни жамлаб, “қомусий” ва нодир асарлар сирасига киририлган “Рабиъ ал-аброр” асари ҳақида батафсил маълумот беради. Мақола муаллифи мусулмон дунёсида илм оламида машҳур бўлган “адаб илмлари” нинг фуруъ қисмига мансуб *علم الخاضرة* – Маърузалар илми қўп илмий доираларда батафсил ўрганилмаган тармоқлардан экани, “Рабиъ ал-аброр” асари эса, маърузалар илми талабларига тўлиқ җавоб берадиган энг машҳур асарлардан бири эканини ёритиб беради. Шу билан бирга, маърузалар илмининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, бу илмининг ривожига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотларни ҳам батафсил баён қилади. Мақолада, жумладан, Маҳмуд Замахширийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарини ёзишдан қўзлаган мақсади, асарда қамраб олинган мавзулар ҳамда мазкур асарни ёзишда қандай манбаларга мурожаат қилгани ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек, муайян бир мавзунинг ёритиб беришда алломанинг фақат араб ва форс тилларидаги манбаларга эмас, балки юнон ва бошқа тиллардаги манбаларга ҳам мурожаат қилгани ва ҳар мавзуга оид фикрларидан қўллаб-қувватлаб мисоллар келтириб, сўнг ўз мулоҳазаларини билдиргани ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган. Мақолада муаллиф “Рабиъ ал-аброр” асарининг ёзилиш услубини ҳам атрофлича таҳлил қилиб, ёритиб берган. Муаллиф Маҳмуд Замахширийнинг “Рабиъ ал-аброр” асари кенг қўлланилиш нодир асарлардан бири эканини ҳисобга олиб, мазкур асар ҳаёсиёнуслик, тиҷиёнуслик, адабиётшунослик, манбаёшунослик ва дидактика каби соҳаларга оид илмий тадқиқот объекти бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳулоса беради.

Калит сўзлар: Рабиъ ал-аброр, маъоний илми, маърузалар илми, адаб, ҳадис, дидактика, фразеология.

Abstract. In this article, the author summarizes the topics of Zamakhshari on various sciences and talks in detail about the work “Rabiu-l-abrar”, which is included in the list of “encyclopedic” and rare works known in the world of science “adab” in the Muslim world. This is one of the unexplored branches in detail in many academic circles. It explains that “Rabiu-l-abrar” is one of the most famous works that fully meets the requirements of the “science of lectures”. At the same time, the book tells about the history of the formation and development of the “science of lectures”, scholars who contributed to the development of this science and their works. The article analyzes, among others, the purpose of the work of Mahmoud Zamakhshari “Rabiu-l-abrar”, the topics covered in the work, as well as what sources he referred to when writing this work. In addition, when covering a specific topic, it emphasizes the information that the scholar refers not only to sources in Arabic and Persian, but also to sources in Greek and other languages, gives many examples of his views on each topic, and then makes comments. In the article, the author thoroughly analyzed and explained the writing style of the work “Rabiu-l-abrar”. Taking into account that the author Mahmoud Zamakhshari’s work “Rabiu-l-abrar” is one of the large-scale rare works, it can be said that this work can be an object of scientific research in such fields as hadith studies, linguistics, literary studies, source studies, and didactics.

Keywords: “Rabiu-l-abrar”, the science of meanings, the science of lectures, adab, hadith, didactics, phraseology.

Аннотация. В этой статье автор обобщает темы Замахшири по различным наукам и подробно рассказывает о труде “Раби аль-абрар”, который включен в список “энциклопедических” и редких произведений. Автор статьи констатирует, что *“علم الخاضرة”* – “наука лекций”, относящаяся к части известной в мире науки “адаб” в мусульманском мире, является одной из подробно неизученных ветвей во многих академических кругах. В нем поясняется, что труд “Раби аль-абрар” является одним из самых известных произведений, полностью отвечающих требованиям “науки лекций”. В то же время в книге рассказывается об истории становления и развития “науки лекций”, ученых, внесших свой вклад в развитие этой науки и их трудах. В статье анализируются, среди прочих, цель работы Махмуда Замахшири “Раби аль-абрар”, темы, затронутые в работе, а также к каким источникам он обращался при написании этой работы. Кроме того, при освещении конкретной темы в нем подчеркивается информация о том, что ученый ссылается не только на источники на арабском и персидском языках, но также на источники на греческом и других языках, и приводит множество примеров своих взглядов по каждой теме, а затем делает свои собственные комментарии. В статье автор также всесторонне проанализировал и пояснил метод написания произведения “Раби аль-абрар”. Принимая во внимание тот факт, что произведение автора Махмуда Замахшири “Раби аль-абрар” является одним из редких произведений широкого круга, автор делает вывод, что этот труд может быть объектом научных исследований в таких областях, как хади́соведение, языковедение, литературоведение, источниковедение и дидактика.

Ключевые слова: “Раби аль-абрар”, наука о смыслах, наука о лекциях, адаб, хадис, дидактика, фразеология.

Ҳамазоний рисолалари), Расайд Ихвони сафо (Сафо биродарлари рисолалари) ва бошқалар.

Бу рисолалардан ташкари жоҳилия даври араб шеърятини намуналари, мақол ва ҳикматли сўзларни ўзида жамлаган асарлар ҳам яратилди. Бу асарларнинг барчаси, Маъруза (муҳодара) илми шаклланишига ёрдам берган илмий манбалар ҳисобланади.

Маърузалар илми нима ва унинг таърифини кўриб чиқсак. Маърузалар илми араб илмларининг муҳим йўналиши бўлиб, бу йўналишда кўпгина олимлар ижод қилиб, жуда қимматли асарлар яратганлар. Маърузалар илми қандай илм ва нимага асосланганлиги ўз ичига олишини кўриб чиқамиз.

Ўрта аср араб адабиёти дунё халқлари адабиётидан ўзининг турли хиллиги ва серкирра жанрлари билан ажралиб туради. Унда жоҳилия даври касида ва “муаллақа”лари ва араб халифалиги даврида, яъни VIII–IX асрларда кенг ривож топган юнон, форс ва сурёний тиллардаги асарларни таржималари билан бойитилган маълумотларни кўришимиз мумкин.

Маърузалар илми (علم الاضرات) га келсак, бу йўналиш наср ва шеър жанрида ёзилган адабий китоблар, шунингдек, араб ва мусулмонлар эгаллаган барча илмлар бўйича ёзилган асарларни қамраб олади. Ҳожи Халифа бу илми шундай таърифлайди (Халифа, 1982):

“هو علم يحصل منه ملكة ايراد كلام للغير، مناسب للمقام، من جهة: معانيه الوضعية أو من جهة: تركيبه الخاص”

“Бу илм орқали гапни вазиятга мос услуб ва маънода бошқача етказиш малакасига эга бўлинади”.

Яна бир таърифда Қинавжий шундай дейди

الحاضرات: استعمال كلام البلاء أثناء الكلام في محل مناسب له على طريق الحكاية

“Маърузалар (илми) гап давомида балоғат илми олимлари гапни вазиятга муносиб равишда ҳикоя усулида қўллашдир”.

Бу илм маъоний илмига жуда яқин, улар орасидаги фарқ шундаки, маърузалар илми вазият таққозосига қараб, олим ва фозил кишиларнинг фикрларини тингловчига етказиш бўлса, маъоний илмида эса, сўзловчи тингловчига унинг ҳолати ва вазиятидан келиб чиқиб гапирилади.

Бу илм араб илмлари ичида муҳим ва жуда манфаатлидир. Унда Қуръони карим, ҳадис, шеър, мақол, фразеологик бирикмалар, араб ва аҷам олимларининг муаян мавзулар бўйича фикрлари

келтирилади. Ибн Хатиб бу илм аҳамияти ҳақида шундай фикрларни билдиради (Хотиб, 2013):

علم الحاضرات علم نافع في أنواع الاخبار، وهو علم عال من العلوم العربية، ومن فاخر من الفنون الأدبية، يحتاج إليه طوائف الأنام، ويرغب فيه العلماء العظام.

“Маърузалар илми муҳовара (суҳбат) турларидаги фойдали илмдир, у араб илмлари ичидаги юксак илм, адабиёт санъатлари ичидаги нафис санъатдир. Унга барча тоифа инсонлар муҳтож бўлиб, унга буюк олимлар мурожаат қилишган”. Ибн Хатибнинг юқоридаги фикрича, бу илм араб илмлари ичида юқори ўринни эгаллаган. Илмлар таснифи йўналишига фаолият олиб борган олимлар бу илмни қуйидагича тасниф қилганлар.

Улар қуйидагилардир:

1. Лугат илми (лексикология)
2. Сарф илми (морфология)
3. Наҳв илми (грамматика)
4. Маъоний илми
5. Баён илми
6. Бадиъ илми
7. Аруз илми
8. Қофия илми
9. Ёзув қондалари илми
10. Ўқини қондалари илми
11. Рисола ва хутбалар ёзиш илми
12. Маърузалар илми, у тарих илмларини ҳам қамрайди (ал-Аҳдал, 1990).

Жоҳиз “ал-Баён ва табиин”, “ал-Бухало” ва “ал-Ҳайвон” каби асарлари билан араб адабиётига оид асарлар яратиш бўйича етакчи олимлардан бири ҳисобланса, Маъруза илмига тўлиқ мос келувчи “Уъйун ал-ахбор” асари илк бор Ибн Қутайба (ваф. 276/889) томонидан ёзилган. Мазкур асар мавзулари ва турли соҳаларни ёритганлиги билан Маъруза илмини шаклланганлиги ва ривожланганлигини ақс этди. Ибн Қутайбадан сўнг бу йўналишда яратилган асарларга талаб ва эҳтиёж юқори бўлди. Бу йўналишда яратилган машҳур асарлар қуйидагилардир:

– Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абду Раббих (ваф. 328/940)нинг “ал-Иқд ал-фарид” асари;

– Абу Али Муҳассин ибн Али Танухий (ваф. 384/994)нинг “Нишвар ал-муҳозара ва ахбар ал-музакара” асари;

– Абул Фараж Муафий ибн Закарийе Наҳрований ал-Жарийий (ваф. 390/1000)нинг “ал-Жалис ас-солиху ал-кофий вал-анис ан-носиҳ аш-шофий” асари;

– Абу Саъд Мансур ибн Хусайн ал-Аби (ваф. 422/1030)нинг “Насру-д-дур” асари;

– Абу Умар Юсуф ибн Абдул-бир ан-Намрий ал-Қуртубий (ваф. 1071/364)нинг “Бахжат ал-мажалис ва анас ал-мажалис ва шахз аз-зиҳни вал хажис” асари.

– Рогиб Исфаҳоний (ваф. 502/1108)нинг “Муҳозарот ал-удабо ва муҳоварот аш-шуаро вал булаг” асари;

– Абул Маоллий Бахоуддин Муҳаммад ибн Хасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамдун Бағдодий (ваф. 1167/265)нинг “ат-Тазкират ал-ҳамдуния” асари.

Маърузалар илмига онд асарлар муаллифлари ўз китобларини асар мазмунидан келиб чиқиб, китоб, боб, фасл ва саҳхат каби бўлимларга тақсимлашган. Ибн Қутайба ўзининг асаридаги мавзуларни “китоб”га ажратиб, асар муҳаддимасида шундай дейди: “Хабар ва шеърларни туркумларга ажратганимда, уларнинг йўналиши жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилиши ва боблари қўпчилигини кўрдим. Уларни “китоб”ларда жамладим... биринчи китоб:... Султон китоби... иккинчи китоб: уруш китоби... ва ўнинчи китоб: Аёллар китоби” (Дайнурий, 1997). Шу йўналишда ёзилган машҳур асарлардан бири андалусиялик Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абду Раббихига тегишли. У ўз асарини қўйидаги тартибда шакллантирганини ёзади: “Мен бу китобни турли хил сўз марваридлари, тўғри ва тартибли қўймалари мавжудлиги учун “ал-Иқд ал-фарид” (Тенгсиз маржон) деб номладим. Мен уни йигирма бешта китобга ажратдим. Ҳар бир китоб икки қисмга бўлинган, жами эллик қисмдан иборат йигирма бешта китоб. Уларнинг ҳар бирига маржон жаҳоирлари номи берилган, биринчиси: Султон ҳақидаги маржон китоби, кейингиси урушлар ҳақидаги дур китоб, кейин саҳийлик ва баҳийлик ҳақидаги қимматли тош” (Андалусий, 1983). Қўпгина муаллифлар ўз китобларини бобларга тақсимлашган. Булардан Ибн Абдулбар ўзининг “Бахжат ал-мажалис” асарини бобларга тақсимлаб, 132 бобга ажратган.

МУХОКАМА

Бу йўналишда яратилган китоблар ва улардаги мавзулар турли шаклда тартибланган. Баъзилари алифбо тартибда берилган бўлса, бошқалари мазмун жиҳатидан тартибланган. Абулфатх Носируддин Хоразмий (ваф. 609/1213) ўзининг “ал-Мугриб” асарини алифбо тартибда ёзиб, китоб муқаддимасида шундай дейди: “Уни

Замахшарий “Асос ал-балого”ни қилганидек, сўз бошидаги харфларидан келиб чиқиб, алифбо шаклида тартибладим” (Хоразмий, 1979). Баъзи муаллифлар эса, ўз асарларини қизиқарли бўлиши учун мавзуларни турли шаклда жойлайдилар. Махмуд Замахшарийнинг “Рабийъ ал-аброр” асари тадқиқотчиси Абдуламира Михна ҳам алломанинг мавзуларни йиғиш ва жойлаштириш бўйича қуйидаги фикрларни билдиради: “У биз учун мавзуларни ифодалаш ва тасвирлашда аниқлик, соддаликка риоя қилиб, бемаънилик ва беодобликдан холи равишда танлаб бера олди. Келтирилган маълумотлар арабларнинг жоҳилия ва Исрол давридаги яшаш тарзининг самимий қўринишидир. Мавзулардаги бу хилма-хиллик Замахшарийни араб ва бошқа миллатлар маданияти ва турмуш тарзини жуда чуқур билишига ёрқин далилдир” (Замахшарий, 1992). Баъзи муаллифлар ўз асарларини бир мавзуга бағишлаб ёзганлар. Булардан Асмаийнинг “الإبل” (Туялар) асари, Аббос ибн Бакар ал-Дабийнинг (ваф. 837/222 “أنحبار الوافدات من” (837/222 “النساء على معاوية بن أبي سفيان” (Муовия ибн Абу Суфён олдинган келган аёллар хабарлари), Жохизнинг “البخلاء” (Бахиллар) ва бу китоб асосида унинг ёзган “قواعد البخلاء” (Бахиллар ҳақидаги хангомалар) асари ва Ибн Абду Раббихнинг “طبائع النساء وما جاء فيها من عجائب وأخبار وأسرار” (Аёлларнинг ҳулқ-атвори ва бу борада келган аjoyиботлар, хабарлар ва сирлар) асарларини шундай асарлар сарасига киритиш мумкин.

Маъруза илмидаги китоблар турли мавзуларда ёзилиши билан бирга уларнинг ҳажми ҳам бир бирдан фарқ қилади. Шу йўналишда ижод қилган баъзи муаллифлар бир ёки икки томлик асарлар ёзган бўлсалар, бошқалари булардан катта ҳажмдаги асарларни яратганлар. Булардан Абу Ҳаён Тавхидийнинг (ваф. 414/1023 “البصائر والذخائر” (Фаросат ва ҳазина) 10 том, Абду Раббихнинг “ал-Иқд-л-фарид” асари 8 жилд, Ибн Ҳамдун (ваф. 562/167)нинг “الذكرة المحمودية” (Ҳамдуния ўғитлари) 10 жилд, Махмуд Замахшарийнинг “الآبار والبحار والخصائص الأخيرة” (Яхшилар баҳори) 5 жилдда тасниф этилган.

Маъруза илмида асарлар яратган муаллифлар ўз олдига турли мақсадларни қўйганлар. Уларнинг мақсад ва гоյлари асарларининг кириш қисмида баён қилинган бўлиб, улар қуйидагича ифодаланган: Ибн Қутайба ўзининг “Уюн ал-ахбор” асари муқаддимасида (Дайнури, 1997):

”هذه عين الأخبار نظمته لغفل التأذب تبصرة، ولأهل العلم تذكرة ولسان الناس ومسوهم مؤدياً للملوك مسترحاً“

“Уъйун ал-ахбор”ни тарбиядан беҳабарларга фикрлаш, олимларга эслатма, бошқарувчи ва уларнинг қўл остидагиларга одоб, қиролларга ҳордиқ мақсадида ёздим”. Муаллифнинг юқорида келтирилган фикрларидан у мазкур асарни таълим тарбия мақсадида ёзгани яққол намоён бўлади.

“Ал-Мухозарот фил адаб вал-луга” (Адабиёт ва тилга доир маърузалар) асари муаллифи Нуриддин Юсий (ваф.1691/2011) ўз асарини қуйидаги мақсадда ёзганини баён қилади:

“وإني قد اتفقت في سفره بان بما عني أهل شعلا وتأسيسه وزايلي العلم تصنيفاً وتدريساً، فأخذت أرسم في هذا المجموع... وجميعه المحاضرات ليوافق أصاحه مسماه، ويتضح عند ذكره معناه، وإلما أذكر فيه فوائد وطرفاً، وقصاصة ونفناً”

“Мени яқинлар, иш ва ўрганиб қолган нарсаларимдан айирган сафарга чиқдим. Илм ўрганиши ва ўргатишини ташладим. Бу тўпламни ёзишни бошладим...унинг номи мазмунига мос келиши ва уни ёдга олишганда маъноси акс этиши учун маърузалар деб номладим. Унда фойдали маълумотлар, қизиқарли воқеалар, қасидалар ва турли маърузалардан намуналар келтирдим”.

Андалусиялик машҳур олим Абду Раббих “ал-Иқд ал-фарид” асарини ёзишдан мақсади араб адабиётининг назм ва насрга оид асарлари Андалусия ва Магрибдаги ўрнини намоён қилиш эканлигини қуйидагича ифодалайди:

“وقد نظرت في بعض الكتب الموضوعة فوجدتها غير منصرفة في فنون الأخبار، ولا جامعة لجمل الآثار؛ فجعلت هذا الكتاب كافيًا [شافيًا] جامعاً لأكثر المعاني التي تجري على أفواه العامة والخاصة، وتدور على ألسنة الملوك والسوقة. وحليت كل كتاب منها بشواهد من الشعر تجانس الأخباري معانيها، وتوافقها في مناهيها؛ وقرنت بما غرائب من شعري، ليعلم الناظر في كتابنا هذا أن مغربنا على قاصيته، وبلداً على انقطاعه، حظاً من المنظوم والمنثور.”

“Баъзи ёзилган китобларни кўриб чиқиб, улар хабарлар илмини тўлиқ баён қилмаслиги, қадимгиларнинг фикрларини жамламаганини кўрдим. Бу китобни жамият ва шахслар оғзида юрадиган жуда ҳам маъноли фикрларга етарли (ишончли) қилиб яратдим. Бу фикрлар шоҳлар ва қора халқ орасида айланади. Китобни хабарлар маъноси ва фикрларига мос келадиган шеър намуналари билан безедим. Бу китобимизни ўқиган киши Магрибимизнинг ўзқисмига қарамасдан назм ва насрдан беҳаҳра қўлмаганини билиши учун ўзимнинг ажойиб шеърларимдан қўшдим” (Андалусий, 1983).

Абу Саъд Мансур ибн Ҳусайн ал-Абий “Наср ад-дур” асарини бир неча мақсадда ёзганини қуйидагича баён қилади (Абий, 2004):

وهو كتاب يتنفع به الأديب المتقدم، كما يتنفع به الشادي المتعلم، ويأسى به الزاهد المتنسك، كما يأسى به الخليل المهتك، يحتاج إليه الملك في سياسة ممالكه، كما يحتاج إليه المملوك في خدمة ماله، وهو نعم العون للكتاب في رسائله وكتبه، وللخطيب في محاورته وخطبه، وللواعظ في إنذاره وتحذيره، وللقاضى في إدكارة وتبصيره، وللزاهد في قناعته وتسلييه، وللمتبتل في نزاهته وتخليه. وأما اللاديم فغير مستغن عنه في مسامرة رئيسه، وأما المهلي فمضطر إليه عند مضاحكته وتأسيسه.

“Бу китобдан илгор адиб, шунингдек, бошланғич ўқувчи наф топув. Унга тақводор зоҳид ва ахлоқсиз киши оино бўлур. Шоҳа унда ўз раъиятини бошқаришда муҳтож бўлганидек, раъият ўз шоҳига хизмат қилишда ҳам бу китобга муҳтож бўлур. У ёзувчига рисола ва китобларини ёзишда нақадар яхши ёрдамчи бўлса, маърузачининг сўзи ва нутқида, воизнинг насиҳати ва огоҳлантиришида ҳам жуда ҳам зарур. Қозиға (унитганларини) ёдга солишга ва кўзини очилишга, зоҳида қаноат қилиш ва унга таслия бериш учун, дунёдан воз кечганга хайрли ишлар қилишга ва ўзини поклаши учун керак. Аммо дўст ўзининг улафати билан сўхбатиди бу китобга муурожаат қилса, масхаробоз ўзининг латифаларини бойитиш ва (томошабинларнинг) кўнглини олишда унга муурожаат қилишга мажбурдир”.

Тадқиқот объекти бўлмиш Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарига келсак, аллома ўз китобини ёзишдан мақсадини қуйидагича ифодалайди:

“Бу китобни, “ал-Кашшоф” ўқувчилари зехнига дам бериш, билим ва қобилиятларини фикрлашга ишлатиб, бундан толиққан дилларига ором бериш, зерикканларида ўқиб завқланишлари учун ёздим... Ундан Касир ибн Абдурахмоннинг Иззага ёзган газаллари ва Жамил ибн Абдуллохнинг гўзал шеърларини ўқийсан. Яхши суҳбатдош хоҳласанг, ундан яхши суҳбатдош йўқ, янги хабар керак бўлса, ундан яхши хабарчи йўқ. Ҳузнга мойил бўлсанг, кўз ёшингни шашкорат окизар, шодон кулги керак бўлса, ундан ичак узди латифалар топасан” (Замахшарий, 1992).

Мазкур асар таркибий жиҳатдан 98 бобдан, баъзи манбаларда ёзилишича, 92 бобдан иборат (Кашф аз-зунун). Асар “Вакт, дунё ва охират ҳақидаги” боб билан бошланиб, “Ҳашоротлар, ер юзидаги бошқа ҳайвонлар ва улар билан боглик нарсалар ҳақида” боби билан якунланади. Асардаги мавзулар тартиби алифбо тартибда тузилган. Ҳар бир боб мавзусига оид ҳадис, саҳоба, тобеин, зоҳид, девона, араб ва форс донишмандларининг фикрлари келтирилган. Шунингдек, мавзуга мос турли давр шоирлари

шеърлари, аввалги пайгамбарларнинг гапларини баён қилади. Асарда араб тарихи давомида ҳукумронлик қилган машҳур шоҳлар, амирлар, вазирлар, саркардалар ва шоирлар билан боглик ибратли ҳикоялар ҳам келтирилади.

Бу бобларда келтирилган маълумот ва хабарлар араб, форс, юнон ва бошқа халқларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг турли томонларини қамраб олган бебаҳо маълумотлар тўплами ҳисобланади. Замахшарий бу маълумотларни асрининг турли манбаларидан саралаб олиб, уларни содда ва тушунарли қилиб ўз асарида баён қилган. Маълумотларда арабларнинг жоҳилия ва илк ислом давридаги турмуш тарзи турли хил сохта маълумотлардан холи тасвирланади. Алломанинг ўз асарида келтирилган бобларнинг турли ва хилма хиллиги унинг араб, форс, юнон ва бошқа халқларнинг тарихи ва урф-одатларининг билимдони эканини яққол кўрсатади.

НАТИЖА

Бу асарнинг асосий манбалари сифатида Замахшарий ўзининг “Девон ал-манзум”, “Девон ал-мансур”, “ар-Рисола ан-насоиха”, “ан-Насоих ас-сигар” ва “Навобиг ал-калам” каби китобларидан истифода қилган.

Замахшарий ўз асарини яратишда қуйидаги услубдан изчил шаклда фойдаланган. Асарда қуйидаги тартибга риоя қилинган:

1. Хар бир бобнинг сарлавҳаси келтирилган.
2. Мавзуга оид Қуръони карим оятлари, ҳадис, олим ва донишмандлар фикрлари, шоирларнинг касида ва шеърлари келтирилган.

3. Шарҳи зарур бўлган баъзи сўз ва ибораларни шарҳлаган (Замахшарий, 1992).

Масалан:

“اللهم صلحنا كصلح النعمة”. قال الزمخشري: يريد به شدة

الصمم.

“Аллоҳим, уни туяқуш каби қар қилгин”. Замахшарий мутлоқ гарангликни назарда тутаяпти.

4. Бирор бир мавзу бўйича келтирилган мисолларга айрим ҳолларда изоҳ ёзар эди.

5. Асарда келтирилган олимларнинг фикрларини тўғрилаб, уларга изоҳ беради. Бу борада Замахшарий ҳазрат Алидан “Байт ал-Маъмур” ҳақида сўралгани ва унинг жавобига қуйидаги аниқлик киритади (Замахшарий, 1992:59)

قال ابن الطفيل سمعت عليا وسئل عن بيت المعمور، فقال ذاك الصراح، بيت بحمال الكعبة يدخله كل يوم سبعون ألف ملك لا يعودون إليه حتى تقوم القيامة ويقال له: الصريح أيضا ومن قال الصراح فهو اللحن الصراح.

Ибн Туфайл айтди. Алидан Байт-ул-Маъмур ҳақида сўралди. Ана у “дароҳ”, яъни Каъба рўпарасидаги уй бўлиб, унга ҳар куни етмиш минг фаришта киради. Унга қиёмат бўлгунча қайтмайди. У яна дориҳ (абадий маскан) деб номланади. Ким аввалги сўздек талаффуз қилса, у талаффуз ҳам тўғри.

6. Жоҳилия ва ислом давридаги араблар ҳаётида рўй берган қизиқ воқеалар, қиссалар ва латифалар келтирилган.

Жоҳилия ва ислом даври шоирлари шеър ва касидаларини келтирган. Аллома келтирилган шеър ва касидалар муаллифлари номларини баъзи жойда зикр қилган бўлса, баъзи жойда тилга олмаган. Биродарлик, муҳаббат, дўстлик, ака-укалар ўртасидаги муносабатлари, Аллоҳ учун севишлик ва ёмон кўришлик, қўничилик ҳақидаги бовда аллома Мутанаббий шеърини келтирган (Замахшарий, 1992:263):

خلقت ألوفا لو رحلت إلى الصبا لفارقت شيبي موجه القلب باكيا

Яралгандим садоқат-ла, агар қайтсам ёшилимга,

Айрилардим кексалик-ла дилим озғиб кўз ёш тўкиб.

Турли давлат ва шаҳарларга оид қизиқарли ва тарихий маълумотлар келтирилган. Замахшарий Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хоразм каби қадимги шаҳарлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бухоро шаҳрининг араб тилида номланиши ва аҳолиси ҳақида қуйидаги ҳадисни келтиради (Замахшарий, 1992:272):

في الحديث : أن جبرائيل صلوات الله عليه ذكر مدينة يقال لها فاختة، وهي بالفارسية بخارى، فقال رسول الله ﷺ : لمُ شئيت فاختة ؟ قال : لأنها تفخر على المدائن يوم القيامة بكثرة الشهداء، ثم قال : اللهم بارك في فاختة، وطهر قلوبهم بالتقوى، واجعلهم رءما على أمتي. فيقال : ليس أحد أرحم على الغرءا منه.

Ҳадис шарифда: Жаброил (а.с) Фохира - форс тилида Бухоро деб аталадиган шаҳарни зикр қилади. Расулulloҳ (с.а.в.): “Нима учун Фохира деб номланган?” деб сўради. Жаброил(а.с) айтди: “Чунки бу шаҳар қиёмат куни шаҳидлари қўлиги билан фахрланади”. Сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.): “Аллоҳим Фохирага барака бер, уларнинг қалбларини тақво билан покла ва уларни умматимга марҳаматли қилгин” деб дуо қилди. Айтишларича, беғоналарга ҳеч қим уларчалик раҳмдил эмас экан”.

الحسن قال : وما فعل الجناحان ؟ قيل : وما هما ؟ قال: سموتند و خوارزم، هما جناحا الإسلام، وما داما حصن الإسلام.

Ал-Ҳасан (Ҳасан ибн Али): “Икки қанот нима қилади? деб сўради. Қолганлар: Улар қайсилар? деб сўрадилар. Самарқанд ва Хоразм, улар ислом динининг икки қанотларидир ва унинг икки қалъаси бўлиб қолавереди” деб жавоб берди.

Замахшарий ўз асарида юнон ва форс халқлари тарихи ва халқ оғзаки ижодига онд кимматли маълумотлардан фойдаланган. Замахшарий асарининг машхурлигини аввало, ундаги қаҳрамонлар сонининг кўплиги ва уларнинг ўзига хос хислатлари ҳамда таълимотлар тарихий ҳикоялар шаклида баён этилгани таъминлаган. Қолаверса, унинг аксарият эртак ва кассалари асосини асли форсий, форс-тожикча асарлар ташкил этиб, улар жумласига “Худойнома”, “Калила ва Димна”, “Табарий тарихи” ва “Панднома” ва фуқаролар ва амирларнинг “Андарзнома”лари киради (Ҳамрабоев Н., 2017:117).

ХУЛОСА

“Рабиъ ал-аброр” асари алломанинг етук ёшида яратилган асарлар сарасига кириб, Замахшарий бу асарида ҳаёти давомида тўплаган билим ва тажрибаларини ва илм йўлидаги Мавороннаҳр, Эрон ва кўпгина араб давлатларига килган сафарлари давомида жамлаган маълумотларини акс этган. Асарни мавзуларининг турли хиллиги ва маълумотларининг бойлиги билан комусий асар деб ҳисобласа бўлади.

Бу асар Маърузалар илми йўналишида ёзилган китоблар ичида ўз ўрнига эга бўлиб, у ўз даврида ва ҳозирги кунда ҳам жуда аҳамиятли манбалардан биридир. Унинг ўнга яқин мухтасарлари турли олимлар томонидан яратилган. Асарнинг XVII асрда форс тилига таржима қилинган “Насм ар-рабиъ” (Баҳор ифори) ва “Заҳр ар-рабиъ” (Баҳор гули) каби нусхалари ҳам мавжуд.

“Рабиъ ал-аброр” асари ўзида диний, ахлокий, маърифий, тарихий ва адабий илмларга онд маълумотларни ўзида жамлаб, асар кўпгина олимлар томонидан манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. Асардаги маълумотлар исломшунослик, дидактика, филология, адабиёт фанлари тадқиқ объекти бўлиши мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Исломов З. (2002). Махмуд Замахшарий. Муқаддимату-л-адаб. Тошкент: ТИУ.
2. Фильштинский И. (1984). Арабская литература. In История всемирной литературы (p. 211). Москва: “Наука”.

3. Ҳамрабоев Н. (2017). О древнейшем персидском переводе книги “Рабиъ ал-аброр” Замахшари. Вестник ТГУПБП, 117.
4. ابن قتيبة الدينوري. (١٩٩٧). عيون الأخبار (المجلد ١). بيروت: دار الكتب العلمية.
5. الآبي، أ. س. (٢٠٠٤). نثر الدر في المحاضرات (Vol. ١). بيروت: دار الكتب العلمية.
6. الأندلسي، أ. ع. (١٩٨٣). العقد الفريد (Vol. ١). بيروت: دار الكتب العلمية.
7. الأهدل، أ. م. (١٩٩٠). الكواكب النادرة على متتمة الأجرومية. بيروت: مؤسسة الكتب الثقافية.
8. الخطيب، أ. (٢٠١٣). روض الأخبار المنتخب من ربيع الأبرار. القاهرة، مصر: دار القلم العربي.
9. الخوارزمي، أ. (١٩٧٩). المغرب: حلب: أسامة بن يزيد.
10. الزنجشيري، م. (١٩٩٢). ربيع الأبرار ونصوص الأخبار (Vol. ٢). بيروت، لبنان: مؤسسة الأعلمي للمطبوعات.
11. الزنجشيري، م. (١٩٩٢). ربيع الأبرار ونصوص الأخبار (Vol. ٢). بيروت: مؤسسة الأعلمي للمطبوعات.
12. القنوجي، ص. ب. (١٩٧٨). أجد العلوم. بيروت: دار الكتب العلمية.
13. خليفة، ح. (١٩٨٢). كشف الظنون عن أسامي الكتب. بيروت: دار الفكر.

REFERENCES

1. Islamov Z. (2002). Mahmud Zamakhshari. Muqaddimatu-l-adab. Tashkent: TIU.
2. Filshinskiy I. (1984). Arabskaya literatura. In Istoriya vsemirnnoy literatura (p. 211). Moscow: “Nauka”.
3. Hamrabojev N. (2017). O drevneyshem persidskom perevode knigi “Rabi’ al-abrar” Zamakhshari. Vestnik TGUPBP, 117.
4. Ibn Qutaybah al-Dinawari. (1997). Uyun al-Akhbar (Vol. 1). Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
5. Al-Abi, A. S. (2004). Nathr ad-durr fil muhadarat (Vol. 1). Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
6. Al-Andalusi, A. P. (1983). Al-Iqd al-farid (Vol. 1). Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
7. Al-Ahdal, A. M. (1990). Al-Kawakib ad-durriyyah. Beirut: Muassasa al-kutub as-saqafiyya.
8. Al-Khatib, A. (2013). Rawd al-akhbar al-muntakhab. Cairo, Egypt: Dar al-Qalam al-Arabi.
9. Al-Khwarizmi, B. A. (1979). Aleppo: Osama bin Yazid.
10. Al-Zamakhshari, M. (1992). Rabi al-Abrar wa nusos al-akhbar (Vol. 2). Beirut, Lebanon: Al-Alamy Foundation for Publications.
11. Al-Zamakhshari, M. (1992). Rabi al-abrar wa nusos al-akhbar (Vol. 2). Beirut: Al-Alamy Foundation for Publications.
12. Al-Qanouji, P. B. (1978). Abjad al-Ulum. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
13. Khalifa, H. (1982). Kashf az-Zunun. Beirut: Dar al-Fikr.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

1/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@moturidiy.uz

Наشريётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”

наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

 www.maturidijournal.uz

 +998971 244-35-36

 www.moturidiy.uz

   @moturidiyuz

 info@moturidiy.uz